

Ҳ. НЕЪМАТОВ,
А. БАТТАЛОВ,
Ш. НОМОЗОВ,
Б. РАҲМАТОВ

ФЕРМЕРЛАР КИТОБИ

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ



**Ҳ. НЕЪМАТОВ, А. БАТТАЛОВ,
Ш. НОМОЗОВ, Б. РАҲМАТОВ**

ФЕРМЕРЛАР КИТОБИ

(Селекция ва уруғчилик асосида)

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти**

Тошкент – 2014

УЎК : 631.1.017

КБК 65.321.4

Н44

Ўзбекистон ғўза уруғчилиги марказининг раҳбари
Тўра Сатторов таҳрири остида нашр этилди.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

- Абдумавлон Абдуллаев** – ЎзФА академиги.
- Азим Латипов** – Ўзбекистон Қаҳрамони, Шофиркон туманидаги “Азим Шофиркон юлдузи” фермер хўжалиги раҳбари;
- Шукур Иброхимов** – Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти лабораторияси мудир, академик;
- Виктор Автономов** – Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти лабораторияси мудир, кишлок хўжалиги фанлари доктори.

Ҳомий: “ЎЗПАХТАСАНОАТ”

Мазкур китоб ўз ўқувчиларини мамлакатимизда кишлок ва сув хўжалиги ҳамда пахтасаноат тизимларининг турли тармоқлари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юзлаб ҳамюртларимиз фаолияти билан батафсил таништиради. Китоб нашриёт томонидан 2010 йилда чоп этилган “Селекция ва уруғчилик энциклопедияси”нинг (муаллиф Х. Незматов) мантқиқий давомидир.

УЎК: 631.1.017

КБК 65.321.4

ISBN 978-9943-07-318-0

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2014.



НАШРИЁТДАН

“Селекция ва уруғчилик” энциклопедиясининг 1-китоби чоп этилганидан сўнг, кўпминг сонли ўқувчиларимиз хоҳиш-истакларига, билдирилган таклифларига кўра, муаллифлару муҳаррирларимизнинг бедор изланишлари самараси бўлмиш биринчи китобнинг мантикий давоми бўлган ушбу “Фермерлар китоби” ҳам дунёга келди.

“Фермерлар китоби”ни нашрга тайёрлаш жарёнида айрим иккиланишларга ҳам дуч келинди. Кўзланган мақсад “Селекция ва уруғчилик” энциклопедиясининг 2-китобини чоп этиш бўлса-да, рисола “Фермерлар китоби” деб номланди ва унда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам қамраб олинди. Бунинг энг асосий сабаби, уруғлик пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳам давр талабига монанд кўптармоқли хўжаликларга айлантирилди. Пахта, ғалла, сабзавотчилик, чорвачилик каби асосий тармоқлардан ташқари, уларнинг аксарияти ўз ҳудудларида маиший хизмат, умумий овқатланиш, техник хизматлар кўрсатиш мажмуалари ҳам барпо этиб, ҳамқишлоқларини, айниқса, балоғат ёшидаги йигит- қизларни иш билан таъминлашдек хайрли мақсадлар сари дадил интиломқдалар. Жаҳон ҳамжамияти, тараққийпарвар инсоният айна глобаллашув жараёни кечаётган бир пайтда ўнлаб юксак тараққиётга эришган мамлакатларда оддий ҳол бўлиб қолгани каби сунъий озик-овқатлар эвазига эҳтиёжини арзон ва осон қондириш ҳаёт ва саломатлик учун қони зарар эканини чуқур англаб етмоқда. Шу боис, турфа табиий дармон-дориларга бой, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг камхарж усулларини йўлга қўйиш давримизнинг долзарб талабига айланиб бормоқда.

Ушбу китобни чоп этиш арафасида мамлакатимиз пойтахтида Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуйда халқаро конференция (06.06.2014 й.) бўлиб ўтди. Бир пайтнинг ўзида Тошкент шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг яна бир нуфузли органи — Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ваколатхонаси очилди. Халқаро конференция иштирокчилари ер юзининг кўплаб минтакаларида қурғокчилик, камбағаллик ва кашшоклик сабаб минглаб одамлар, айниқса аёллар ва болалар тўйиб овқат ейиш имкониятидан маҳрум бўлиб келаётган бир пайтда, Ўзбекистон бундай муаммоларни бартараф этишда БМТнинг ишончли ҳамкорларидан бири бўлиб қолаётганини баралла таъкидладилар. Жумладан, БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Гранциану да Силва ўз нутқида “...2000-йилларнинг бошларидан бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан ютуқларга эришди. 2000 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ҳосилдорлик муттасил ошириб келинаётгани бундай ҳайратланарли ютуқларнинг бош омилидир...” дея эътироф этди. Бундай юксак ва самимий эътирофлар халқаро анжуманнинг бошқа катнашчилари томонидан ҳам таъкидланди.

Шунингдек, китобга пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, паррандачилик ва пиллачилик сингари асосий тармоқлардан ташқари, давр талабларидан келиб чиқиб, суғоришнинг энг сўнгги тежамкор усулларини жорий қилаётган тажрибали ирригаторлар, мелиораторлар ва ҳатто пешқадам қишлоқ хўжалиги ходимларига ижтимоий-маънавий кўмак бериб келаётган ўнлаб мутахассису раҳбарлар, ҳомийлар ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилди.

Ўқувчиларимиз мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ва унга узвий боғлиқ бўлган пахта саноати тизимини замон талабларига мос равишда модернизациялаш борасида қўлга киритилган бир талай ютуқлар қўлами билан батафсил танишиб оладилар. Заминимизга Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг илк тамал тоши қўйилганига ҳам бир асрдан ошди. Шунини эътиборга олган ҳолда муаллифларимиз мазкур институт шаклланиб, тилга олина бошлангандан ҳозирга қадар яратилган ва районлаштирилган ғўза навларининг каталоги асосида юртимиз далаларида экилиб келинаётган пахта навлари ҳақида маълумотлар жадвали билан ҳам ўқувчиларимизни таништирмаққа жазм этганлар.

Бўлиб ўтган халқаро анжуманда мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, юз йиллар мобайнида биргина пахта хомашёси етиштиришни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг унумдор заминини турли хил заҳарли кимёвий дориларга тўйинтиришга чек қўйиш, пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш баробарида, умрбод ўзгалар манфаати учун заҳмат чекиб келган деҳқоннинг иззат-обрўини кўтариш, замин билан бирга унинг соҳиби бўлган дала меҳнаткашини ҳар томонлама ҳимоялаш учун мустақкам қонунчилик ҳужжатларни яратиш ҳам давр талабига айланди. Бу хайрли мақсад ҳам рўёбга чиқди. Ҳаётга татбиқ этилган қишлоқ хўжалиги соҳасига доир қонунлар ҳам вақт ўтиши билан давр талабига монанд тўлдириб, мукаммаллаштириб борилди. Бу китобдан ана шу қонун ҳужжатларига ҳам ўрин ажратилди. Кўп бора таъкидланганидек, серқуёш юртимизнинг серқирра қишлоқ хўжалиги ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар қўламини битта ёки иккита китобда батафсил ёритиб беришнинг имкони йўқ, албатта. Умид қиламизки, муаллифларимиз билан ҳамкорлигимиз узоқ давом этади ва улар кенг китобхонлар оммасини бу борада янада мукаммал ижод маҳсуллари билан хушнуд этадилар.



ИЗЛАНИШЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Дунё аҳлига азалдан маълумки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири, айниқса пахтачилик ўзбек халқининг бобомерос касб-коридир. Сўнгги чорак аср мобайнида гарчи пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилган бўлса-да, юрт мустақиллигини қўлга киритиб, уни ҳар жабҳада мустаҳкамлаб келаётган меҳнаткаш элимиз пахтачиликни қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида асраб қолиб, янада ривожлантиришга қарор қилди. Негаки, жаҳон пахта-саноатчиларининг серкўёш ўзбек заминиде етиштирилган пахтага қизиқишлари тобора ортиб бормоқда.

Қўлингизда турган мазкур китобнинг жонқуяр ва изланувчан муаллифларидан бири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳикмат Нематовни узок йиллардан буён яхши биламан. Таниқли селекционер А.Батталов томонидан яратилган ва республикамиз пахта далаларининг катта қисмини эгаллаб келаётган “Бухоро” навиға мансуб ғўзаларнинг давлат синовларидан муваффақиятли ўтишида унинг хизматлари улкан. Аксарият навларға нисбатан вильт касаллигига чидамли ва серҳосил, бирқадар эртапишар эканлигини амалиётда исботлаб, районлашиши учун Ҳ.Нематов тўпланган маълумотларни собиқ Иттифок қишлоқ хўжалиги экинлари нав синаш давлат комиссиясининг пленуми(1989 йил)га тақдим этиб, муносиб ҳисса қўшди. Бундан ташқари, Ҳикмат Нематов қишлоқ хўжалиги заҳматкашлари бўлган юзлаб ҳамкасбларининг меҳнатларини оммаға таништиришдек хайрли ишларни мунтазам амалға ошириб келмоқда. Унинг 2010 йилда ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган таниқли селекционер олимлар, бу ишларға ҳомийлик килаётган раҳбару мутахассислардан оддий деҳқонларнинг фаолиятига қадар ҳақида батафсил маълумот берувчи “Селекция ва уруғчилик” энциклопедиясининг 1-китобини тайёрлаб, нашр эттирганди. Унда мамлакатимизда ушбу соҳанинги жонқуярлари бўлган 349 нафар пешқадам кўптармоқли, уруғчилик фермер хўжалиқларининг раҳбарлари, мутахассислар, давримизнинг илғор ва ибратли кишиларининг фаолиятлари акс этирилган эди. Шу билан бир қаторда, мазкур китобда қишлоқ хўжалиги ходимлари учун ҳамиша зарур бўлиб турадиган долзарб маълумотлар бир қадар мукамал тарзда жойланган эди. Китоб нашрдан чиқиб ўқувчиларининг қўлларига етиб борғач, кўплаб илғор фермерлар ва соҳанинги жонқуярларидан қўшимча таклифлар билдирилди. Ушбу таклиф ва мулоҳазаларни эътиборға олган муаллифлар мамлакатимизнингнинг барча вилоятларидаги пешқадам уруғчилик фермер хўжалиқлари етакчилари ҳамда уларға камарбаста бўлаётган мутахассислар ва раҳбарлар билан билан юзма-юз суҳбатлашиб, зарур маълумотларни тўплашға муваффақ бўлишди. Ниҳоят, бу изланишлар самараси — юртимиз қишлоқ хўжалиги селекция ва уруғчилигининг заҳматкашлари фаолияти акс этган мазкур китобнинг 2-қисми ҳам нашрдан чиқарилди. Ушбу китобда ҳам юзлаб пешқадам инсонларнинг фаолиятлари ҳақида маъ-

лумотлар берилган. Шунингдек, мамлакатимиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган барча илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларнинг ҳамда юртимиз замида пахта толасининг сифат кўрсаткичлари янада юқори бўлиши йўлида хизмат кўрсатаётган олий ўқув юр்தларининг таниқли олимлари ва мутахассисларининг фаолиятлари аке эттирилди. Бу борада “Фарғонаазот”, “Навоийазот” бирлашмалари, Самарқанд суперфосфат заводи, “Максам – Чирчиқ”, “Олмалиқ-Максам” кимё корхоналари, Дехқонобод калий ўғитлари заводи каби йирик жамоаларнинг қишлоқ хўжалиги, чунончи, уруғчиликнинг ривожига кўшаётган салмоқли улушлари хусусида ҳам кенг тўхталиниб, аниқ рақамлар, кўсаткичлар билан баён этилган. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги ривожини кимё ёрдамисиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

Шунингдек, яқин йиллардан буён ҳукуматимиз томонидан дехқон-фермер хўжаликларини кўптармоқли хўжаликларга айлантиришдан ҳам ташқари, мамлакатимиздаги ҳар бир ташкилот ва тадбиркорлик субъектлари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш каби хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватланаётганлиги алоҳида эътиборга олиниб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантираётган ўнлаб ишбилармон юр்தдошларимиз ҳақида ҳам маълумотлар киритилди. Гарчанд мазкур китоб “Селекция ва уруғчилик” энциклопедиясининг 1-китобининг мантиқий давоми бўлса-да, юқорида санаб ўтилган ўзгаришлар боис, муаллифлар уни оддийгина қилиб, “Фермерлар китоби” деб номлашни маъқул кўришибди.

Албатта, китоб аҳамиятга молик ютуқлари билан бирга хато ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, пешқадамлар рўйхатидан селекция тадқиқотига умрини бағишлаган олимлар ва мўл уруғлик ҳосил олиш йўлида заҳмат чекаётган дала меҳнаткашларига нисбатан уларга кўмакчи бўлаётганларга кўпроқ ўрин ажратилгандек. Айниқса, бу ҳол ташқаридан қараганда кўпчиликнинг теран назарига тушмоғи табиий. Аммо, тағин бир нарсани холисона назардан қочирмаслик лозимки, режадаги барча ишларни бир ёки икки китобда тўлақонли аке эттиришнинг имкони йўқ. Муаллифлар келгусида китобхонлар томонидан билдириладиган истак ва талабларни эътиборга олиб, қатъий изланган ҳолда ижод қиладилар. Умид қиламизки, қишлоқ хўжалиги ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган неча юзлаб заҳматкаш олимларимиз ва миришкор дехқонларимиз фаолияти ҳақида бундан-да мукамал натижаларни қўлга киритишади. Мазкур китобнинг нашр этилишида ҳомийлик қилган “Ўзпахтасаноат” уюшмаси, Ўзбекистон дон маҳсулотлари акциядорлик компанияси, Ўзбекистон гўза генетикаси ва экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон селекция ва уруғчилик илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларини синаб кўриш давлат комиссияси ва бошқа саховатли инсонларга муаллифлар ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги
илмий ишлаб чиқариш маркази
директорининг ўринбосари, қишлоқ
хўжалиги фанлари доктори, профессор.



ПАХТАЧИЛИК – ОТАМЕРОС КАСБИМИЗ

Гапим аввалида “Фермерлар китоби”нинг барча муаллифларига ташаккур билдирар эканман, улар орасида ўзим яхши билган бир одам ҳақида алоҳида тўхталгим келди. Селекционер олим, тиниб-тинчимас жонкуяр инсон Ҳикмат Нематов чоп этиш олдидан ушбу китоб билан мени таништираар экан, кўнглимдан кечган фикрларни рўй-рост билдиришимни илтимос қилди. Очиғи, саксон ёшнинг бўсағасида турган одамнинг дилига туккан ёруғ мақсадларга ҳавасим келди. Бу инсон бунчалар куч-ғайратни қаердан ва нимадан олар экан? Унинг ёшидаги отахонлар ҳатто ўзининг бозор – ўчарларини қилишга ҳам ҳафсала топа олмай фарзанду невараларига суяниб қоладилар. Тан олиш жоизки, баъзида яқин одамларимиз “ёшимиз бир жойга борганида оила даврасида қариллик гаштини суриб ўтириш”ни маслаҳат бериб, жамоатчиликдан узилиб, тезроқ кексайишимизга “кўмаклашиб” ҳам юборишади. Аслида эса, Ҳикмат Нематов ҳаёт мазмунини ўзи каби заҳматкаш одамларнинг меҳнатларини элга танитишда деб билади.

Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек пахтаси доврўғини жаҳонга ёйиш йўлида заҳмат чеккан кўплаб олимлар номи кам тилга олинарди. Барча ютуқларни фақат ўзига тааллуқли деб билган, юзлаб-минглаб халқларларни ҳам шунга ишонтирган маҳобатли собиқ Марказга хизмат қилган сохта машҳурларнинг соялари остида рўёбга чиқмай кетган марҳум падарим каби чинакам олимларнинг порлоқ хотирасини улуғлаш учун Ҳикмат Нематов каби жонкуяр инсонларни қўллаб, саховатли инсонлар ҳомийлигида бундай китоблар кўпминг нусхада қайта-қайта чоп этилмоғи лозим. Токи бу китоб нафақат олиму мутахассислар, ҳатто оддий ишчи-деҳқонларнинг жавонларида ҳам турсин. Машҳур қўшиқларни ёзган шоирларини билган инсонлар ўзи етиштирган пахта ва ғалланинг серҳосил навларини ихтиро қилган селекционер олимлари билан ҳам фахрланса, невараларини улардек эл юкига елка тутадиган инсонлар қилиб тарбияласа қанчалар савоб иш бўлар эди. Марҳум падарим каби ўнлаб олимларни муносиб тақдирлагани, ҳурматларини жойига қўйгани учун Президентимиз Ислом Каримовдан бир умр миннатдорман. Дарҳақиқат, ҳамкасбларимиз юрт мустақиллигидан кейингина кадр-киммат, ҳурмат-эътибор топишди. Ноширлар ва Ҳ.Нематов сингари ташаббускор инсонлар қишлоқ хўжалиги ривожига ҳисса қўшиб келаётган ҳамкасбларимиз фаолиятларини қанчалар ёритиб боришса, бундай маънавий кўмак бизларни янгидан-янги муваффақиятлар сари илҳомлантираверади.

Виктор Автономов,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, селекционер.

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва

уруғчилиги илмий тадқиқот институти.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ер майдони 166,6 минг квадрат километр. Аҳолиси икки миллионга яқин. Таркибида 14 та (Амударё, Беруний, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Эллиқалъа, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот) қишлоқ тумани, 12 та шаҳар, 17та шаҳарча ва 124 та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Пойтахти Нукус шаҳри. Йирик шаҳарлари: Тўрткўл, Тахиятош, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой.

Қорақалпоғистон Қизилқум чўлининг шимолий-ғарбий, Устюрт платосининг жануби-ғарбий қисмларида ва Амударё дельтасида жойлашган. Орол денгизининг жанубий қисми ва денгиз томон пасайиб борувчи кенг ясси текисликлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Энг йирик дарёси Амударё ва энг йирик сув ҳавзаси Орол денгизидир. Табиати ва ҳайвонот дунёсининг чиройлилиги билан Қорақалпоғистон ўлкаси Ўзбекистонда ягона юрт ҳисобланади. Ушбу ҳудудда Амударёнинг такрорланмас жозибаси, улкан қумликлар, жумладан, Қизилқум ва Қорақум ястаниб ётган кимсасиз чўллар, ер остида битмас-туганмас гипс конлари мавжуд. Ўзининг бетакрор ва мафтункор табиати билан жаҳонда ягона бўлган Устюрт ҳақида жуда кенг тўхталиш мумкин. Орол денгизи Қорақалпоғистон Республикаси шимолида бўлиб, бу масканда 400 дан ортиқ ҳайвонот дунёсининг ва 100дан ортиқ ўсимлик турларини кўриш мумкин. Сувда эса 25 турдан ортиқ ўсимлик турлари билан бирга 56 турдаги хашаротлар билан озуқаланадиган мавжудотлар яшайди. Бундан ташқари, 282 турдаги қушларнинг тирикчилиги ҳам сув, яъни минтақамизда ягона Орол билан боғлиқ. Шу боис, ярим асрдирки, ўзбек ва қорақалпоқ халқи онага менгзайдиган яккаю ягона денгизни асраб қолиш, уни аввалги ҳолатига қайтариш муаммолар ичида энг долзарби бўлиб қолаётир.

Республиканинг барча сув ҳавзаларида балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган. Гарчи бир замонлар ҳудуднинг тенг ярми экин экилмайдиган чўл-даштлар, яйловбоп текисликлардан иборат бўлса-да, собиқ Шўро тузумининг зуғумли сиёсати билан янги ерлар очиш, пахта монополиясини мустақкамлаш йўлида ёввойи табиатга тажовуз қилиши оқибатида Орол денгизи аянчли ҳолатга қилиб қолган. Бу юртнинг раҳбарияти ва фидойи инсонлари олдида эндиликда мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, сувсизликка ва турли касалликларга чидамли, шу билан бирга эртапишар, серҳосил ғўза навларини ихтиро қилиб, кенг оммалаштириш каби долзарб вазифалар турибди.

“ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Ҳудудий бирлашма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика пахта тозалаш саноатининг бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги (12.06.2001 йилдаги 252-сонли) қарори асосида очик акциядорлик



худудий бирлашмаси шаклида тузилган. Худудий бирлашма таркибида олтига пахта тозалаш корхонаси (“Беруний пахта тозалаш” очик акциядорлик жамияти; “Тўрткўл оқ олтин” очик акциядорлик жамияти; “Манғит пахта тозалаш” очик акциядорлик жамияти; “Хўжайли толаси” очик акциядорлик жамияти; “Халқобод пахта тозалаш” очик акциядорлик жамияти; “Элликқалъа олтин толаси” очик акциядорлик жамияти) бор. Худудий бирлашманинг мақсади ва вазифалари:

- жаҳон ва ички пахта бозорларидаги вазиятларни системали ўрганиш ва уларга бўлган талаблардан келиб чиқиб сараланган пахта навларини жойлаштириш йўллариини ишлаб чиқиш;

- пахта хом-ашёсини харид қилиш ва уни қайта ишлашнинг бозор механизмларини ривожлантириш;

- жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан пахта тозалаш корхоналарининг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш;

- хизмат кўрсатувчи банклар иштирокида пахта заводлари орқали ҳосилни харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи хўжаликлар билан контрактация шартномалари тузиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг ташқи савдо компаниялари ва мамлакатимиз истеъмолчилари билан пахтани қайта ишлаш, экспортга ва ички бозорга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;

- контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хом ашёси харид қилиш ва уни ўз вақтида қайта ишлашни ҳамда экспортга ва ички бозорга етказиб беришни ташкил этиш;

- пахтачилик хўжаликларини жаҳон бозорида харидоргир бўлган пахта навларининг элита уруғлик чигитлари билан таъминлаш ва шунга кўра, етиштирилган уруғлик пахта ҳосилини сифатли қабул қилиниши, сақланиши ва қайта ишланишини ташкил этиш;

- пахта тозалаш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш (модернизация) ва замонавийлаштириш бўйича ягона сиёсатни амалга ошириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда пахта тозалаш корхоналарини ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ раҳбарияти ҳукумат дастурига кўра, ўзига қарашли пахта тозалаш корхоналарини замон талабларига мувофиқ тарзда бирин-кетин тубдан модернизация қилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ислохот меҳнат унумдорлигига, сифатига ва жамоа аъзоларининг манфаатдорлигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Эски тузум пахтасаноатидан қолган бесамар ва бесўнақай механизмлар ўрнини ихчам хорижий технологиялар эгаллади. Тола ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ўсиб, бундан ўн йилча илгари арзимас маош билан кифояланган ишчи-хизматчилар эндиликда акциядор сифатида манфаат кўриб, иш ҳақларига қўшимча дивидендлар ҳам олаётдилар.

Корхона маҳсулотларининг сифати ҳам жаҳон бозорининг бугунги талаблари даражасига етказилди. Фикримизни бирлашманинг иккита корхонаси таҳлили билан далиллаймиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4094> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4094> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4094>